

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 150 (4356). 31 июль, 1971 йил, ШАҲАР 1 Баҳоси 2 тийин.

ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

БЕКОБОД. Шу кунларда 2-«Далварзин» совхоз 4-бўлими далаларида иш қизиги. Деҳқонлар ҳосили кам пайкаллarga қўшимча ишлов бермоқдалар, шарбат оқизиб, гўзани қондириб сугормоқдалар.

Бўлимдаги 10 та чопиқ трактори тўхтовсиз ишлаб турибди. Культивация чуқур ўтказилмоқда. Айниқса, Э. Мақсудов, М. Рафиев бошлиқ бригадаларда иш яхши ташкил этилган. Бўлим ишчилари 450 гектар ернинг ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил етиштириб, давлатга 1170 тонна «оқ олтин» топишириш ниятида.

И. ЭРМАТОВ,
Т. УСМОНОВ.

ТҶИТЕПА. Азимжон Акрамовнинг Куйбишев номи полхозда тажрибали механизаторлардан бири деб таърифлашди. У ишлаётган бригадда ҳар гектар ердан 35 центнер пахта топишириш юзасидан кураш бошланган. Бу ишда механизаторнинг ҳам хизмати каттадир. У ўзига берилган майдонларда гўзалари беш марта культивация қилди.

Т. ТОЖИЕВ.

БУКА. Акмал Оринов раҳбарлик қилган зверо аъзолари ҳар йили ҳам улкан ҳирмон қўтариб, «Коммунизм» колхозидан зверолар орасида пешқадимлик қилмоқда. Бу йил зверо аъзолари қатор оралирига тўрт марта қўлсиз ишлов беришди. Гўза талабга қараб «сугормоқда». Шунинг учун ҳам экинлар тез ҳосилга кирмоқда. Зверо аъзолари август ойи охиригача қатор оралирига ишлов беришни давом эттириб, ҳар тўғдай яна қўшимча ут-тўрттадан бўлиқ кўсаклар ҳосил қилиш учун курашмоқда.

А. ХОЛХУЖАЕВ.

ГЎЗАНИНГ КЎКИГА МАҲЛИЁ БЎЛМАНГ

Қардош мусобақадор оғзабайқонлиқлар текшириш ўтказиб юрган шу кунларда ҳайси колхоз, совхоз даластида боришмасин, улар гўзалари бир кўришда жуда яхши ҳосил олаётганлигини таъкидлайдилар. Лекин қишлоқ кўчаларида айланб ҳўжаликларида катта йўл ёқасидан ичкаридаги даладарини кўздан кечирганлариди ҳали гўза парваришини қизиги давом эттириш зарурлигини қайд қилдилар. Чунки, ҳосил олишда кўнглидагидек гўза пайкаллари билан бир каторда юксак социалистик мажбуриятда белгиланганидек ҳосил тугмаган, шу билан бирга ҳосил олишда бир мунча орқанда қолаётган экинлар ҳам борки, бундай жойларда дала ишларини табақалаштириб ўтказиб, қўшимча тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Оғзабайқонлиқлар Бекобод районодаги Ойбек номи совхозда худди шундай манзараларга дуч келишди. Областидаги йиринч ва кўн тармоқли бу совхоз коллектини бу йил 2 минг гектардан ортиқ ернинг ҳар гектаридан мўлжалдаги ҳосилни етиштириш, давлатга 7 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Совхоз ишчи ва механизаторлари, барча мутахассислари ана шу мажбуриятни бажариш учун астойдил курашмоқдалар. Кўпгина карталарда меҳмонлар гўзанинг нормаль ривожланиётганлигини ва ҳар тўғдай гўзада 7—8 талдан кўсак борилиши кўриб қувондилар. Лекин шу билан бирга дўстларимиз ҳали қатор даладарда ҳосил олиш ишхатидан орқа

да қолаётган гўзалар борилиши ҳам аниқландилар. 3-бўлимдаги бригад ва звероларнинг баъзи далаларида гўзани ўт босиб ётибди. Шунга қарамай бўлим раҳбарлари гўза озунасига шерик бўлаётган бегона ўтти йўқотиш юзасидан ҳеч қандай чора кўрмаётдилар. Бу ҳам етмагандек совхозда ва айниқса шу бўлимда гўзани чеканка қилиш кечиктириб юборилаётди, бу муҳим агротехника тадбири сифатсиз бажарилаётди.

Шу ҳўжалик билан қўшни 1-«Далварзин» совхозда ҳам умумин олганда гўзаларнинг кўриниши ёмон эмас. Лекин

ОЗАРБАЙЖОНЛИК ПАХТАКОРЛАР ОБЛАСТИНИЗ ДАЛАЛАРИДА

ана шу дастлабни яхши натижалар мустақамланмаси, яъни гўза парвариши август ойи давомида қизиги давом эттирилмаси мўлжалдаги пахта қўлга киритилмайдиган. Меҳмонлар 7-бўлим далаларида бўлганларида бу ердаги гўзалар илгор бўлимлардаги гўзага қараганда бир мунча кеңиқроқ ва ҳосил олишда кўнглидагидек эмаслигини кўрсатдилар. Бўлим бошлиғи И. Матаришова култивация, сугориш, чеканка ишларини белгиланган муддатларда бажарилиши учун зарур тадбирларни амалга оширишни таъкидлаб кўрсатдилар. Дўстларимиз ана шу бўлимдаги айрим карталарда гўзани қондириб сугорингиз етарли эътибор берилмаётган

лиги, натижада ҳосилни қўпайтириш ўрнига гўла ва понадаги тўқилиб кетаётганлигини аниқли билан айтдилар.

Бекободдаги «Коммунизм» колхоз далаларидаги иш ҳам қардош мусобақадорларнинг қаноатлантирмади. Бу ерда барча бригадаларда чеканка кечиктириб юборилган, иш сифати устидан назорат йўлга қўйилмаган. Чеканка қилинган даладарини кўздан кечирган мусобақадорлар ён шохлари қолдириб кетишганини кўрсатдилар. Колхозда меҳмонлар бўлган кун 600 гектар ердаги гўза чеканка қилинмаган эди. Колхоз правлениеси, партия ташкилоти бу зарур тадбирни тезда амалга ошириш ва чеканка сифатини ўтказиш юзасидан меҳмонларга ваъда бердилар.

Оғзабайқонлиқлар райондаги бошқа ҳўжаликлarda ҳам бўлибди ва гўза парваришини қўпайтириш юзасидан, ҳа-шаротта қарин курашини бутун-гўза талаб даражасига бўлиши юзасидан уларга дўстона мас-лаҳатлар бердилар.

Оғзабайқонлиқ мусобақадорлар иштирокида район партия комитетининг кенгайтирилган бюро мажлиси бўлди. Дўстларимиз аниқлаган камчиликларини тез кўнда тугатиш юзасидан зарур тадбирлар белгиланди. Бекободлиқлар август ойини ҳосилга-ҳосил қўпишда муҳим давр ҳисоблаб, ана шу маҳорат кўнларда фидокорона меҳнат қилишга ва ҳар тўғдай мажбуриятга яраша «оқ олтин» тўплаганига эришмасин, деб меҳмонларни қаттиқ ишонтирдилар.

А. БАРАТОВ.

*ОЗАРБАЙЖОНЛИК ПАХТАКОРЛАР,
МАСЛАҲАТ ВА ЁРДАМЛАРИНГИЗ
УЧУН РАҲМАТ

*ГЎЗАНИ СУВГА ҚОНДИРАЙЛИК, ҚАТОР
ОРАЛАРИНИ ЮМШОҚ САҚЛАЙЛИК, ҲАША-
РОТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШАЙЛИК.

*ПАХТА ЙИГИМ-ТЕРИМИГА ҲОЗИРДАН
ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРАЙЛИК.

*ҲАР КҮН ПАХТА ДАЛАЛАРИДА
ЗАРБДОР МЕХНАТ БИЛАН ЎТСИН.

90 ПРОЦЕНТИ МАШИНАДА ТЕРИЛАДИ

Норхўжа Хусанов бошлиқ бригада СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОЛХОЗда илгорлардан ҳисобланади. Бу коллектини йилдан-йилга пахта ва қаноатдан юқори ҳосил етиштириб келмоқда.

Парваришининг шу долзарб даладарда бригада пахта дала-ларида ҳосил учун кураш кун сайин қизиги тус олаётган. Ме-ханизаторлар гайрат билан гўзаларга ишлов беришмоқда. И. Сандорипов, Ф. Абдувалиев, С. Обидовлар гўзани култивациялаш ва озиқлантиришни бекаму кўст ўтказишмоқда.

Ўққўрғон беш йиллигининг дастлабни йилида бригада даладарини 133 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35,5 центнердан «оқ олтин», 67 гектар қаноатдан эса 185-200 центнердан «қўқ олтин» етиштириш мажбуриятини олганлар. Пахтанинг 90 процен-тини машиналарда териб олишга ҳозирлик қўйилган. Даладаги гўзалар қалтабўғин, серхосия, машинабон қилиб парвариш қилинмоқда.

З. АБДУРАХМОНОВ,
Оққўрғон райони.

СОВХОЗ МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Республика Министрлар Совети 1971 йилнинг биринчи ярми учун чорвадорларнинг иш якунларини қараб чиқ-дилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Республика Министрлар Советининг кўма қўйил-байроғи илгор область райони ва ҳўжалиқлар қатори Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхозига (директори Қозоқбеков, партия ташкилотининг секретари Жабборов ўртоқлар) берил-ди. Бу совхоз қорамоллар ва паррандалар сонининг ўсишини таъминлаган. 1970 йилнинг би-ринчи ярмига нисбатан 1971 йилнинг биринчи ярмида гўшт



ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ. Сурат-ларда: (юқоридан пастрга) «Ле-нинбой» колхозининг раиси К. Эгамбердиев ва бригада бош-лиғи К. Турсунбоев ўртоқлар пахтазорда. (Пастдаги суратда) Вотицев номи колхоз ме-ханизаторларидан (чапдан) Х. Су-лаймонов, Т. Тожиёв ва район қишлоқ ҳўжалик бошқармаси-нинг беш инженерни У. Бақиров, ўртоқлар ремонтдан чиқа-риган терим машиналарини кўздан кечирмоқдалар.

Н. ТҶРАЕВ фотолари.

МЕВАНИ КЎПАЙТИРАМИЗ

Бригаданимиз аъзолари шу кун-лари барвақт ишга келиб, кеч қайтишди. Ҳозирги долзарб кунларда шундай қилмаси ҳам бўлмайдиган. Чунки мевадан гарқ ишиди. Уларни пешма-пеш узиб, тайёрлов пунктларига жў-натиб турилмаси, маҳсулот сифати бўзилади.

Шуни ҳисобга олган брига-данимиз аъзолари зўр гайрат кўрсатиб ишлайоти. Холму-роп Тўхтамуротов, Исmoil Дўстматов, Меҳри Шарипова, Муллош Қарабоев каби соҳиб-дорларимиз топиширишлари бажаришда бошқаларга ўрнат-бўлмоқдалар.

Айниқса кейинги кунларда маҳсулот жўнатиш баъзилари-ни куришти ишлари қўпайиб кетди. 4,5 ўрнига 13 тонна ол-ма, олхўр, пош ва бошқа қил-мева топиширди. Яна қанчада 40 тонна олма тайёрлаб жўна-ташди. Тоғли ерларининг ҳар гектаридан 60 центнердан иш-лари узум топиширишга ҳаракат қилмоқдими.

О. РҶЗИМТОВ,
Юқори Чирчиқ районидаги
«Гулистон» колхозининг
бригада бошлиғи.

ЕМ-ХАШАК МЎЛ БЎЛАДИ

Пискент районидаги 1-«Пис-кент» совхозиди чорва қишлови учун ем-хашак жамғариш жа-дал суръатлар билан олиб бо-ришмоқда. Бу ил билан бешта бригада шугулланмоқда.

Совхозда Шохман Сафаров-нинг ишдан ҳамма хурсанд. У ўз дўстлари билан астойдил меҳнат қилиб ҳозиргача 900 ўрнига 1000 тонна хашак жам-ғаришди. Мавсум давомида яна қўшлаб ишчан, йиғил бос-тирилди. Тракторчилардан Фар-мон Сафаров 10 гектар ердаги бедани икки марта ўриб олди.

Совхозда ем-хашак жамга-ришини яхши ўтказиш мақсади-да етарли ишчи кучлари ажра-тилган. Йичан, беда: ўриш, тўплаш, гарамлаш ва ташин агрегатлари унумли ишлаб ту-рибди.

Совхоз чорвадорлари шу кун-гача 1650 тонна беда, 3000 тонна силос жамғаришди. Қиш учун ем-хашак тайёрлаш қиз-гини давом этмоқда.

У. МИРЗАХОШИМОВА.

ПАРТИЯ XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузурида ишлаб турган партия активи республика мактабиди 30 июл-да навбатдаги машғулотлар ўтказилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров маш-ғулотда «КПСС XXIV съезди халқ фаровонлигини ўстириш партия иқтисодий сифатининг олий мақсади эканлиги тўғри-сида» лекция қилди.

(ЎзТАГ).

В. БОБОХОНОВ.

ШАҲАР — ҚИШЛОҚДА МАШИНАСОЗЛАР ҲИММАТИ

«Ўзбекхиммаш» заводи бир неча йилдан бери Ўрта Чирчиқ районидаги Николаева-Терешко-ва номи колхозга оталиқ ёрда-ми кўрсатиб келяпти.

Корхона жамоатчилиги кол-хоз ишлаб чиқаришини юксал-тириш йўлида кўрсатаётган ёр-дамини ўз фаолиятининг муҳим соҳаларидан бири деб қарамоқ-да. Шунинг учун ҳам ёрдам саломон йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Корхона маъмурияти ва пар-тия комитети аввало колхоз моддий-техника базасига му-стақамлаш ниятида таъкидла-гани ҳисобга олиб, оталиқ ёр-дамнинг планли равишда кўрса-тиш мақсадида 1971—1972 йилларга мўлжалланган кенг тадбирлар планини ишлаб чиқ-дилар. Бу план амалга оширил-моқда. Шу йилнинг июль ойида колхоз устаконалари учун то-карлик ва нормалаш станок-лари, электрод, кукурлар, про-кат ва бошқа шу каби матери-аллар етказиб берилди.

Яқин вақт ичида колхозда ишчиларимиз ёрдами билан аккумуляторларни зарядлаш учун агрегат монтаж қилина-ди.

Планда колхозда кўр-азма-ли агитацияни яхшилашга қар-атилган тадбирларни амалга ошириш ҳам назарда тутилган. Шу мақсадда 70 дан ортиқ тах-

та тайёрлаймиз. Уларга турли хил шнорлар ва чақирқилар ёзилади ҳамда дала ишчилари ва жамоат жойларига осиб қўйилади. Завод расомлари колхознинг кўрсаткичлар ва Ҳўрмат тахталарини янгилаб берадилар. Завод лекторлари турли темада лекциялар ўқиш учун ҳўжалик даладарига тез-тез бориб туришди. Корхона-миз ва колхоз донорни газе-та-лари редакцияси коллекциялари бир-бирлари билан алоқалари, узаро таъриба алмашишлари йўлга қўйилди. Маданият са-ройининг бағий хаваскорчи-лиги тўғрисидаги иштирокчи-лари пахтакорлар ҳузурига бо-риб, концертлар қўйиб бериша-ди.

Оталиқ ёрдами кўрсатиш планинида колхоз болалар бо-ғчасини юмшоқ ва қаттиқ ан-жомлар билан таъминлаш ҳам ҳисобга олинган. Болалар тур-ли ўйинлар ўтказадиган май-донларда уйчалар, аргимчоқ-лар, сирпанчиклар ва шунга ўхшаш нарсалар қўриб берил-ди. Коллективимиз колхоз бо-лалар боғчасидаги шаронинг худди завод боғчаларидаги ка-би қилиш учун зарур бўлган барча ёрдамни кўрсатади.

О. ЛЕВАК,
Чирчиқдаги «Ўзбекхим-маш» заводининг ходими.



ҲАСАН МИРАХМЕДОВ
пойтахтимиздаги «Автомобиль-бор» заводининг илгор тоқар-лидан. Айни кунларда у меҳ-нат вахтасида туриб ишлаб, смена нормасини бир ярим ҳиссига етказиб адо этиб кел-моқда. Суртда: Х. Мирахмедов.
М. НУРИДИНОВ фотоси.

Шу кунларда Янгийўл райони-даги «Коммунизм» колхоз дала-ларини айланган қиш пахтакор-ларнинг самарали меҳнатида бе-ҳад хурсанд бўлади.

Кенг пайкаллarda мўл ҳосил тўплайоти. Гўзалар бегубор ўсиб, бўлиқ кўсаклар етиштири-лмоқда. Шуниси қувончлики, ўт-босган майдонлар йўқ.

Мадамин Марамнов бошлиқ бригадда ҳам экин майдонлари яхши парвариш қилинляпти. Шу-нинг учун ҳам қўчатлар мўл ҳо-сил тўплагоқда. 14—15 шохта

ИЛГОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Область партия комитети ва область ижроия комитети кол-хозлар ва совхозлар ўртасида-ги биринчи ярим йилликда чорвачиликни ривожлантириш социалистик мусобақа натижа-ларини қўриб чиқиб, ҚАРОР ҚИЛДИЛАР:

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўма қўйилган Оққўрғон районидаги СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОЛХОЗГА (район И. ЮНУСОВ, партия ташкилотининг секретари Р. БОБОВУРО-ТОВ, бош зоотехник И. КА-ШАЕВ ўртоқлар) берилди.

Бу колхоз биринчи ярим йилликда йиринч шохли қорамоллар сонини қўпайтириш планини 115,1 процент, сугир-лар сонини 100 процент, чў-чалар сонини 101,2 процент, товуқларни 204,1 процент қў-пайтиришга эришиб, йиллик гўшт тайёрлаш планини 95,8 процент, сугирлар планини 82,1 процент, тукум тайёр-лаш йиллик планини 74,9 про-цент бажаришга эришган. Ўт-ган ярим йилликда давлатга

гўшт сотиш 156,3 процент, суг 167,4, тукум 300,1 процент адо этилган. Ҳар бир бош со-ғин сугирдан ўтган ярим йил-ликда 1152 килограмдан суг соғиб олиниб, ҳар юз бош сугирдан 56 талдан бузоқ, 100 бош она чўчалардан 1440 та чў-ка боласи олишга эришилган. Дағал хашак тайёрлаш план-ини 53,4 процент, сенаж бос-тириш планини 200 процент адо этган.

Кўма Қизил байроқ Кали-нини районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозидан олиб берилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўма Қизил байроғи Пискент районидаги 1-«ПИСКЕНТ» СОВХОЗИДА (директори Х. МИРЗАЕВ, партия ташкилотининг секретари М. АБДУЛҚА-КИМОВ, ишчилар комитети-нинг раиси Г. ҶОЗИЕВ, бош зоотехник АНАТОЛИЙ ЕҒАЙ ўртоқлар) қолдирилди.

Бу совхоз ўтган ярим йил-ликда йиринч шохли моллар со-нини қўпайтириш планини 105,6 процент, сугирлар со-нини 113,6 процент, чўчалар со-

нини 86,6, қўй ва эчкилар 114 процент қўпайтирилган. Пар-рандаларини 334,8 процент қў-пайтиришга эришилган. Йил-лик бузоқ олиш плани 84,3 процент, чўча боласи олиш плани 56 процент, қўзи олиш плани 87 процент бажарилган. Суг ишлаб чиқариш плани 56,8 процент, гўшт топишириш 70,8 процент, тукум етиштириш — 82,8 процент адо этилган. Ярм йиллик гўшт топишириш планини 192,5 процент етишти-рилган. Ҳар бош соғин сугирдан 1170 килограмдан суг соғиб олиниган. Дағал хашак тайёр-лаш плани 68,5 процент, се-наж босириш плани 83 про-цент адо этилган.

Шунингдек, Калинин райони-даги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозиди ҳамда Ор-жоникиде районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозларининг, шунингдек Оққўрғон районида-ги «Оққўрғон», Бекобод рай-онидаги 2-«Далварзин» совхоз-лари чорвадорларининг ҳам ях-ши ишлабалиқларни кўрсатиб ўтилди.

ишдан ҳамма хурсанд. Улар барча куч ва тажрибаларини иш-га солиб, суви тежаб-тергаб экинларга бермоқдалар. Ҳар бир пайкал икки-уч кундан кейин суздан чиқаришмоқда.

Бригадада тиниб-тинчимас бун-дай кишилар йўқ. Раҳбар Акба-рова, Аноҳон Исломов, Сапо-бар Ақромова каби сергайрат қизлар топириққан бир ярим-икки баравар ортиғи билан ба-жармоқдалар.

В. БОБОХОНОВ.

ЭРТАГА
БУТУНИТТИФОҚ
ТЕМИРЙУЛЧИЛАР
КУНИ

МАМЛАКАТИМИЗ КҲН ТОМИРИ



Суратда: Тошкент тепловоз депосининг илгори машинистларидан (чапдан ўнгга) П. Навала, Т. Зиёмухамедов, А. Турсунхўжаев ва Н. Абдусаматов ўртоқларин кўриб турибди. Улар ўз байрамларини меҳнатда муносиб соғалар билан кўришди.

И. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

➔ Бутуниттифок темирйўлчилар кўни мамлакатимизда биринчи марта 1936 йилда нишонланган.

➔ Мамлакат ички юк оборотининг тўртдан уч қисминдан кўпроги темир йўл транспортига тўғри келади. Бошқача қилиб айтганда, юк обороти 2,5 триллион тонна-километри ташкил этиб, ўтган беш йилликда юк обороти 27,7 процентга кўнайди. Ваҳолакин, бундай ютуққа фақат меҳнат унумдорлигининг ўсиши орқали эришилади. Янги беш йилликда эса мамлакат темирйўл юк обороти 22 процентга ўсириш кўзда тутилмоқда.

➔ Ўтган беш йилликда узунлиги 3700 километрдан ортиқ бўлган янги темирйўллар эксплуатацияга топширилди. Янги беш йилликда 5—6 минг километр узунликдаги янги темирйўллар қуриш назарда тутилмоқда.

➔ Темирйўлларнинг электрлаштириш натижасида кейинги 15 йил мобайнида 500 миллион тонна кўнур ҳамда 7 миллиард сўмга яқин эксплуатация харajatлари тежаб қолганди.

➔ Мамлакатимизда жаҳонда тенгсиз ҳисобланган узунлиги 7500 километрлик электрлаштирилган магистрал мавжуддир. У гарбий чегаралардан то Забайкальскдаги Петров заводи станциясигача қўйилган.

➔ Янги беш йилликда кўп юк ташилладиган йўналишлар бўйича узунлиги 7—8 минг километрни ташкил этувчи иккинчи йўллар қурилиши мўлажалланмоқда. Бу йўллар Москва—Қозон—Свердловск, Ленинград—Мурманск, Целиноград—Барнаул, Қарағанда—Тошкент шаҳарларини боғлайди.

БИЛИМ ЎҚОҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўқим бошланғичига ҳам оғ вақт қолди. Областида районларидан халқ маорифи бўлимлари ҳозир мактаб ремонтини муддатидан илгари тўғаллаш учун ҳаракат қилишмоқдалар.

Бу йил давлат капитал маблаг ҳисобига 9 та мактаб биноси қуриш мўлажалланмоқда. Буларнинг ҳаммасида 6 мингдан ортиқ ўқувчи билим олади. Бундан ташқари, колхозлар ҳисобига ҳам мактаб қуриш ишлари жадал суръат билан олиб боришмоқда. Янги ўқув йилигача ўндан ортиқ янги мактаб фойдаланишига топширилди. Колхоз ҳисобидан қурилатган бу мактабларда 5 мингдан ортиқ ўқувчи таълим олади.

Оҳангаронда қурилатган 1100 ўринли, Бекбоёбда 1200 ўринли, Паркентда 550 ўринли мактаблар пушлар жумласидандир. Оқдўрғон районидан «Ленинбод» колхозида, Янги-йўл районидан Ленин номи колхозда, Калинин районидан Карл Маркс номи колхозларда ҳам бири 536 ўринли мактаб қурилиши нисбатига етиб қолди. Ўрта Чирчиқ районидан «Партия XXII съезди» ва Свердлов номи колхозда қурилатган мактаблар биноси янги тиндади бинодир.

Бу йил областида ҳаммаси бўлиб 20 дан ортиқ янги мактаб биноси фойдаланишига топширилди.

М. ЗАРИПОВ.

ДАЛА ШИЙПОНЛАРИДА КОНЦЕРТЛАР

Дилрабо кўшиқ, оҳанграбо куй киниша ором бағишлайди. Ҳозир областдаги маданият бўлимларининг бадий ҳаваскорлари далада фидокорона меҳнат қилаётган деҳқонлар ҳузурда бўлишмоқда.

Кўни кеча Пискент район бадий ҳаваскорлари Охунбоев ва Свердлов номи колхозларда, «Оҳангарон» совхозда бўлишиб, йилдан ортиқ концерт кўйиб беришди.

Калинин райони маданият уйи ҳаваскорлари аса Келес массивига жўнаб кетишди.

Янгида област ҳаваскорларининг катта халқ ўйинлари конкурси бўлиб ўтди. Бу конкурс Ожоникида райондаги «Қизил Ўзбекистон» колхозини ҳамда Юфюра Чирчиқ районини ҳамда «Полиототел» колхозини ва Бекбоёб район маданият уйининг бадий ҳаваскорлари тўғрақлари қатнашди. Конкурсда биринчи ўринни «Қизил Ўзбекистон» колхозини, иккинчи ўринни аса «Полиототел» колхозини бадий ҳаваскорлари олди.

Област маданият уйининг ташаббуси билан ҳозир барча район маданият уйларининг ҳаваскорлари ва янги тузилган концерт бригадалари куй ва кўшиқлар билан, деҳқонлар кўнглини хушуд қилишляпти.

Кўни кеча Янгиёул район бадий ҳаваскорлари тўғрақлари шу райондаги колхоз-совхозларга жўнаб кетдилар.

М. ЗИКИРОВ.

ПАРТИЯНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ

Мамлакат тараққиётининг янги босқичида ҳал қилиниши зарур бўлган беш вазифаларни белгилашда Коммунистик партия социализмининг иқтисодий қонунарига, энг аввало, асосий иқтисодий қонуни талабларига асосланади.

Социализмининг асосий иқтисодий қонуни ва социалистик ишлаб чиқаришнинг мақсади жамиятнинг барча аъзоларининг тула фаровонлиги ва ҳар томонлама ривожланишини таъмин этишдан иборат эканлиги Октябр революциясидан анча илгари — Коммунистик партиянинг биринчи программаси ишланган вақтда В. И. Ленин томонидан илмий равишда асослаб берилган эди. В. И. Ленин бу мақсадга эришиш йўллари илм-фан, техниканинг замонавий йиғилиқларидан фойдаланиш ва иқтимоий меҳнат унумдорлигини ҳар томонлама ўстиришдан иборатдир, деб кўрсатган эди. Лениннинг ана шу кўрсатмаси партияимизнинг фаолиятига асос қилиб олиниб, Совет ҳокимиятининг бутун тарихида унга оғимшай амал қилиниб келинмоқда.

Партиянинг тарихий XXIV съезди бу буюқ мақсадни амалга ошириш борасида тўллаган жуда катта тақрибни умумлаштириб янги тўққизинчи беш йилликнинг асосий вазифаси — социалистик ишлаб чиқаришнинг юқори суръатлар билан ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, фан-техникани тараққий эттириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш тизимини янги асосда ҳалқ турмушининг моддий ва маданий даражасини анча юксалтиришни таъминлашдан иборатдир, деб кўрсатиб ўтди.

Шунинг учун ҳам партия экономиканинг бундан кейинги ўсиши учун замин тайёрлаш, ишлаб чиқаришнинг техника билан қайтадан қурулантириш, фан ва илмга жуда катта маблаглар сарфлаш билан бирга, совет кишиларининг фаровонлигини оширишга алоқадор бўлган вазифаларини ҳал этишга тобора кўпроқ куч ва маблаг сарфлашни лозим, деб тоғимлади.

Бу вазифани ҳал этиш учун экономика, маданиятнинг барча тармоқларини тез суръатлар билан ривожлантириш, зарур халқ ҳўжалик пропорцияларини таъминлаш кўзда тутилмоқда. Социалистик иқтимоий ишлаб чиқаришнинг бундан олдинги тараққиёт даражасида экономиканинг ўсган ресурсларидан ажузуда келтирилган реал имкониятларга асосланиб иш олиб боришмоқда.

Мамлакатимизнинг илмий даражаси бунинг ёрқин ифодасидир. Илмий даромаднинг ҳажми 1975 йилга бориб 1970 йилдан 266,3 миллиард сўмдан 365—373 миллиард сўмга етади, яъни 37—40 процентга кўнайди. Унинг ўртача йиллик ҳажми саккизинчи беш йилликда 233 миллиард сўм йилга 325 миллиард сўмга, беш йил мобайнида эса яна бир триллион 625 миллиард сўмга етади. Санаят маҳсулотининг ҳажми беш йилликнинг охирига бориб 528—544 миллиард сўмга етади ёки 42—46 процент ортади.

Иш ҳақи минимумини кўпайтириш соҳасидаги тадбирлар билан айни вақтнинг ўзида ойига 70 сўмгача иш ҳақи олдидан ишчи ва хизматчилардан олинганга солиқлар бекор қилинади ва ойига 90 сўмгача иш ҳақи олдидан ишчи ва хизматчилардан олинганга солиқ ставкалари намайитирилади. Янги беш йилликда таъминоти кам оилаларга болалар учун нафақалар жорий этиш кўзда тутилмоқда. Бунга мувофиқ, 1974 йилдан бошлаб, жами даромади (даромадларнинг ҳамма турлари бирга қўшилиб) оиланинг ҳар бир аъзоси • ҳисобига ойига 60 сўмдан ошмайдиган оилалар учун болаларга нафақа жорий этиш мўлажалланмоқда. Иқтимоий истеъмол фондларидан бериладиган тўловлар ва имтиёзлар 1975 йилларда 90 миллиард сўмга етади ёки 40 процентга кўпайтирилади.

Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш икки марта ортади. Соғлиқни сақлаш, маориф ишлари кенгайтирилади. Янги беш йилликда умумий ўрта таълимни жорий этиш тўғалланади: уй-жой қурилиши кенг кўлабда олиб борилади, ҳаммаси бўлиб, 365—575 миллион квадрат уй-жой қурилиши мўлажалланмоқда. Бу аса 60 миллиондан ортиқ совет кишиларига уй-жой шароитини яхшилаш имконини беради. Халқнинг пул даромадларига нисбатан истеъмол

буюмлари ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилишни кўпайтириш, маиший хизмат ҳажминини намайи икки баробар ошириш кўзда тутилмоқда.

«Меҳнатқилар фаровонлигини ошириш, — деб таъкидлаб ўтди КПСС XXIV съездида, — ҳўжалик тараққиётимизнинг тобора зарур аҳтиёжига, ишлаб чиқариш мадал ўстиришнинг муҳим иқтисодий шарт-шароитларидан бирига айланмоқда».

Совет кишиларининг фаровонлигини ошириш ва маданий ривожлантириш вазифаси ривожланган социалистик жамиятга қо килма-қил воситалар ва имкониятларнинг ҳаммасидан фойдаланишдан ҳолда амалга оширилади. Шунинг учун ҳам янги беш йилликда иқтимоий ишлаб чиқаришнинг янада ривожлантириш, истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш суръатларини жадаллаштириш мўлажалланган.

Санаят маҳсулотини ҳажми беш йил ичида 42—46 процентга ортгани ҳолда ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш 41—45 процент, истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш аса 44—48 процент оширилади.

Тўққизинчи беш йилликнинг вазифаларини амалга оширишда совет кишиларининг меҳнати билан яратилган мавжуд ишлаб чиқариш потенциални кўп тармоқли оғир индустрияни муваффақиятли ривожлантиришга, унинг резервларидан самарали фойдаланишга

ПУЛАТ ИЗ ЧАВАНДОЗЛАРИ

Мамлакатимиз халқ ҳўжалигининг ривожлантириши темирйўлсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Миллионлаб йўловчиларнинг узогини яқин қилаётган, халқ ҳўжалиги юкларини манзилга етказиб бераётган темирйўлчилар меҳнати таҳсинга сазовор.

Ўртага пулат из чавандозлари ўз байрамларини нишонлашади. Тошкент тепловоз депоси ишчи-хизматчилари ҳам бу кўнга муносиб меҳнат зафарлари билан келишляпти. Улар КПСС XXIV съезди қарорларидан рўҳланиб, ярим йиллик ремонт ишлари ҳамда юк ташин план топириқларини ортиги билан бажарди. Тепловоз ремонт ишлари ҳамда юк ташиндан анча олдин 105 процент қилиб адо этилди. Плана қўшимча равишда 2 миллион 230 минг километр-брутто халқ ҳўжалиги юклари манзилга етказиб берилди.

Бундай муваффақиятга коллектив орасида социалистик мусобақа кенг амж олдирилиши ҳамда ремонт ишлари ўз вақтида бажарилаётганлиги орқали эришилди.

Айниқса, ўртоқ А. Арутонов бошлиқ тайёрлаш деҳи коллективининг меҳнат зафарлари мактовга сазовор. Бу ерда 30 киши ишлайди. Уларнинг ҳаммаси Тошкент авиация заводи фрезерчи Альбина Дементова ташаббусига қўшилиб, беш йилликни тўрт йилда ва ундан ҳам барвақт бажаришга қарор қилишган. Шу тўғайли ҳар бир ишчи иккион борича иш вақтдан унумли фойдаланишга, қўлдан чиқаётган деталлар фақат ало сифатли бўлишига эришмоқда.

Цех аъзолари яримйиллик план топириқларини шараф билан урдалашди. Июль ойи топириғини ҳам икки кун олдин бажаришди.

Айниқса, — дейди цех бошлиғи ўртоқ Арутонов, — Коминлов, Аратов, Бруковский ва бошқалар баракали меҳнат қилмоқдалар. Улар роторларини ремонт қилиш смена топириқларини 140—150 процентга етказиб адо этишмоқда. Ярим йилликка белгиланган ремонт ишлари 105 процент қилиб бажарилади. Тепловоз депосида тежамкорликка ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу соҳада ҳар бир машинист ўз зиммасига шахсий мажбурий олган. Пулат от суюриқларидан, коммунистлар Александр Матвеев, Пулат Рўзиев, Мансуров, Қодиров ва қўнғича бошқалар бу

борада ҳаммасларига ўрнат кўрсатишмоқда. Улар олти ой мобайнида 5 минг килограмгача ёниги тежаб қолдилар.

Тошкент темирйўл депоси бошлиғи Хуснитдин Файзуллаев мингдан ортиқ ишчи-хизматчининг бирлаштирган коллективининг беш йилликнинг дастлабги йилида эришган муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилар экан, келажак режалар ҳусусида тўғаллаб ўтади:

— Қўлга киритилган ютуқларимиз қанчалик қувончли бўлмасин, у биз учун чегара эмас. Дедода бўлиб ўтган йилгида ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, анимамизга оширилган мажбурий олдик. Жумладан, йиллик юк ташин планини муддатидан бир ҳафта олдин 25 декабрда бажаришга қарор қилинди. Машиналар оғир юк ташувчи поездларда пландан ташқари 3 минг тоннадан ортиқ халқ ҳўжалик юкларини манзилга етказиб беришга сўз беришди. Бундан ташқари, 35 минг киловат-соят электр энергия, минг-лаб тонна дизель ёниғисини тежаб қолдиш ниятимиз.

Янгилик ижодкорларининг ўз устларига олган социалистик мажбуриятлари ҳам диққатга сазовар. Улар йил охиригача ишлаб чиқаришга 210 рационализаторлик тақлифни жорий этишмоқчи. Бундан дежомиз оз эмас, қўл эмас 70 минг сўмлик иқтисодий самара кўради. Меҳнати илмий асосда ташкил этишга қўшимчи тўғайли қатор нуқсонларга барҳам берилади. Тепловозлар ўз вақтида йўлга тайёрланмоқда, тепловозни ремонт қилиш, қўшимча қисмлар билан таъминлаш график асосида амалга ошириляпти.

Қисқаси, партия ва ҳўкуматимиз биз — темирйўлчилар олдиға қўйган вазифаларини шараф билан урдалаш, эртаги нишонлаётган Бутуниттифок темирйўлчилар кўнини ёрут юз билан кўриб оламиз. Мамлакатимиз қон томири ҳисобланган пулат изчиларда кечани кеча, кундузи кундуз демай кишилар узогини яқин, оғирини енгил қилиб ишлар шикоятларини қўлга олаётган билан табриқламиз, уларга сизга-саломатлик тилаймиз. Сафарингиза доимо бехатар бўлсин!

Я. САЛИМОВ,
Ш. ШОАЛИМОВ.

ТОШКЕНТ ТЕХНИКУМИ ФАРҒОНАДА

1966 йилги энгилла тўғайли Фарғонага кўчирилган Тошкент кооператив техникуми матлубот кооперацияси учун йилига неча юзлаб надрларни тарбиялаб чиқармоқда. Улар орасида санаят ва оғир-оғир товаршўносари, бухгалтерлар, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари, маданий моллар товаршўносари бор.

Мутахассислар Тошкент, Сирдарё, Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд ва бошқа областларда муваффақиятли иш олиб бормоқдалар. Янги мутахассислар тарбиялаб беришнинг учун техникум адресига қўллаб миннатдорчилик сўзлари ёзилган хатлар ҳам келиб турибди.

Бу йил техникумин 452 ўқувчи биттириб чиқади. Уларнинг мутахассис бўлиб чиқиши учун техникумин 60 дан ортиқ педагогик коллективни жон куйдиришмоқда. Ўқувчилар кўргазмали қуруллар ва ўқув

процесси учун зарур бўлган анжомлар қўйилган аудиторияларда олган билимларини ишлаб чиқариш практикаси давомида мустақамлайдилар.

Янгида ана шу ўқув юртида давлат иттиҳонлари бўлиб ўтди. Ўқувчилардан Ноила Муротова, Мухтор Умрзоқов, Журақон Дадабоева, Баҳодир Каримов, Ёқуб Наимов, Санобар Шамсиддинова, Мухиддин Абдуллаев, Хайрулла Сайдуллаев, Галина Карпийская, Наташа Михайлова, Хусан Каримов, Тамара Азнабоева каби йигит-қизлар имтиҳонлардан муваффақиятли ўтдилар.

Техникум студентларидан 90 киши Сирдарё областига, 60 киши Фарғона областининг Фарғона районидан комсомол зарбдор қурилишларига жўнаб кетди.

Билим юртига янги ўқув йилида 300 ўқувчи қабул қилинади.

Д. АБДУРАХМОНОВ.

«ШИМОЛ» ДАГИ УЙЛАР

«Главашкенстрой» бинокорлари шаҳарчиларга жуда яхши соғва тайёрладилар. Янги «Шимол» уй-жой массивида умумий саҳни 36 минг квадрат метрдан ошадиган бир параканга 14 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Салкам 700 та оила шинам квартираларнинг калитини олди.

Шу уйлар ёнида ўнлаб бошқа уйлар қурилмоқда. 2400 гектар ерга астанадиган «Шимол»нинг уй-жой фондини бир ярим миллион квадрат метрга етказиб мўлажалланади. 1980

йилга бориб бу ерда 370 минг киши яшайди.

«Ташинпрогор» институтини ташкил қилган лойиҳа бинао массивини комплекс равишда қуриш кўзда тутилди. Уй-жойлар билан бир маҳалда мактаблар, болалар боғчалари, магазинлар, кино-театрлар, умумий оватланиш ва маиший хизмат қорхоналари, соғлиқни сақлаш объектлари ҳам қурилади. Исиқ иқлим шартнолари ҳам назарда тутилган. «Шимол»нинг дов-дархатлар қуршайди, арқларидан азол сувлар оқиб туради. (ЎЗТАГ).



Тошкентдаги «Миконд» заводи республикада биринчи бўлиб, хрус таль ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Хоирда йилга хилдан ортиқ хрус таль маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда. Меҳнатсевар коллектини тўққизинчи беш йилликнинг дастлабги йилида 800 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар. Суратда: корхонанинг пешадам ишчиларидан Л. Зиёни иш устида.

Ю. ЧЕРНИШЕВ фотоси. (ЎЗТАГ).

Ю. ИҲЛДОШЕВ.
иқтисод фанлари кандидати.

СУДАНДА ҚОНЛИ БЕБОШЛИК



ЮКОРИ ЧИРЧИҚ районидagi «Узбекистон» колхозининг Раҳимбой Эркабев бошлиқ энепо аъзолари бу йил 35 центнердан ҳосил еттиштириш учун курашмоқдалар. Улар ана шу мажбуриятларини шараф билан бажариш мақсадида гўза парварчилиги кизгин давом эттирмоқдалар. Суратда: Р. Эркабев. И. ТУЛЕСБОВ фотоси.

„ХАЛҚОБОД“ НОЗ - НЕЪМАТЛАРИ

Усмон Юсупов номли «Халқобод» комбинати республикадаги энг йирик хўжаликлардан бири ҳисобланади.

Комбинатда бир неча совхоз, завод ва кўлаб бўлим ҳамда бригадалар мавжуд. Комбинатнинг қайси бўлим ва совхозга борманг, боғларда шига-шига бўлиб пишиқган меваларни кўриб қўз қувнайди. Унда машина ва принципал тўхтовсиз ишлаб турибди. Пишиқ етилган маҳсулотларни тайёрлов пунктларига, пойтахт савдо дўконларига, консерва заводига, колхозлик комбинатига олиб келилмоқда.

Эндилдики «Халқобод» боғларида етиштириладиган маҳсулотларни Тошкентнинг кўлаб савдо дўконларидан хариб қилишнинг мумкин. Биз боғдорлар, соҳибдорлар, сабзавоткорлар ишчи мусоабқа асосида ташкил қилганмиш. Бутун куч ва эътиборимиз аҳолига кўпроқ мева-чева, сабзавот маҳсулотлари етиштириб беришга қаратилган.

Мен бир неча йилдан бери комбинатнинг 4-бўлимига қарашли 6-бригадасига бошлиқлик қиламан. Ҳар йили ҳам биз илгорлар тақрибасини ўрганган ҳолда ишлаймиш. Қўрашчиларимиз салмоқли, Уюқча бормай, ўтган йили йилларини ётга олиб кўрайлик. Бригадани аъзолари мева етиштириш ланини уч баравар қилиб

бажардилар. Сабзавот тайёрлаш юзасидан беришдан топишқин икки баравар қилиб адо этилди.

Бригадани асосан боғдорчилик билан шуғулланади. Яна 100 гектар олмазорнинг ораларидан йил топиб, 12 гектарига помидор кўчатлари экилади. Уни илгор агро-техника қондаларига мувофиқ равишда парвариш қилдиқ. Қунига 4—5 тонадан помидорни жу-натиб турибмиш. Ишчиларимиз ўз имкониятларини ҳисоблаб чириб, бу йил 330 тонна помидор сотиш-га бел боғлашган. Ҳар бир гектар помидордан 35 тонадан ҳо-сил йиғиштириб топишмиш.

Олмазорга қарам қўчати ҳам ўтказган эдик, эртаги ҳосили эҳ-ти бўлди. 10 тонна ўрнига 24 тонна қарам етиштириб сотилди. Олмазорларимизда пиланга ҳосил-ни ҳам пешма-пеш жунатиб ту-рибмиш. Ишчилари парвариш қи-лаётган Ганимурза Эргашев, Пўл-дошани Маждидов, Қўрбонали Ру-зиев, Турғунали Соатов каби иш-чан суварилар, соҳибдорлар иш-дан беҳад хурсандмиш.

Комбинатимиз ишчилари партия-нинг XXIV съезди қарорларини иж-ро қилиш билан амалга ошириб, йили беш йилликнинг дастлабки йилини янгидан-янгига қалабалар билан яқинлашди.

Сотвалди ЭРГАШЕВ,
«Халқобод» комбинатининг бри-гада бошлиғи.

Суданда ашаддий бебошлик йи-линаётганлиги, ватанпарварлар кўлаб қамоққа олинаётганлиги ва қатл этилаётганлиги тўғрисида телеграф тобора янги-янги хабар-ларни келтирмоқда. Аслида бу мамлакатда мамлакатнинг тарақ-қийпарвар кучларига қарши, даст-аввал коммунистларга қарши шафқатсиз террор вазияти ҳукум сурмоқда.

Мамлакатдаги бутун аҳолини террорчилик қаранталарига тор-тишга уриниб кўрилади. Масалан, коммунистларни қидириб топиш ва ҳар қандай воясизлар билан уларни энг яқин полиция участ-касига ёни ҳарбий қўсмага олиб келиб топиш тўғрисида аҳолига қилинган муножаат радио ор-қали эшиттирилади, бу амалда юзларнинг ўзида ўч олишни рағ-батлантиришдан бўлган нарсаси эмас.

Қамоққа олинган ишчилар ҳозир-роқ 1.000 дан ортиб кетди, қў-ғина районларда репрессияларнинг янги қўрқонларини қидириб одамларни тутиш давом эттири-моқда. Олтига ҳарбий трибунал тўхтовсиз ишлаб турибди, бу ҳар-бий трибуналлар судлов тартиби-нинг энг оддий нормаларини буз-ган ҳолда шоншомалорлик билан қўйилган айбонлар қароб қўсма-да. Айбонларнинг қарорлари устидан шикоят қилиш учун ҳеч қандай имконият берилмастир ва ўзини тўғрисидаги ҳукмлар генерал Ни-меири тасдиқлаши биланоқ дар-ҳол икром этилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси Суданда Су-дан Коммунист партиясини ба-тамом тутатиш, унинг раҳбар ар-сларини, активларини ва оддий коммунистларни қидириб ташлаш йўли тутилмоқда. деган ҳулосага келиш учун тўла асос беради.

Коммунист партияга берила-ётган зарба Судандаги бутун де-мократик ва антиимпериалистик қарангилар барбод қилувчи қара-қатл эканлигига ҳеч шубҳа йўқ. Шу нарсаси яхши маъмулини чорак асрдан кўпроқ вақтдан бундан илаб келаятган Судан Коммунист партиясининг тарихи — Суданда чет эл ҳукмдорлигига қарши, му-стақиллик, демократия ва тарақ-қий учун олиб борилган тўхтов-сиз кураш тарихидир.

Судан коммунистлари 1964 йил октябрида Аббод диктатурасига

қарши курашнинг биринчи сафла-рида бордилар, мамлакатнинг бар-ча миллий революцион ватанпар-вар кучлари билан яқиндан ҳам-корлик қилдилар. Улар ўша вақт-да бошланган миллий демократик революцияни маҳаллий буржуа-феодал реакцияси ва империали-стик агентура ҳаммаларида ас-тиқиб сақлаб қолдилар. Улар бу билан Судан меҳнатқилларининг жуда кенг табақалари ўртасида ому-хурмат орттирдилар. Судан Коммунист партиясининг энг таъини арбобларидан бири Ша-фий Аҳмад Аш-Шайх Судан иш-чилар Касаба Союзини Федерация-сининг Бош секретари қилиб та-содифан сайлангани йўқ. Комму-нистлар бошга миллий-демокра-тик арбоблар билан яқиндан итти-фоқ бўлиб оммавий ташкилотларда қотиб қолдилар, ёшлар ва про-фессорлар ташкилотларда фаол иштирок этидилар.

1969 йил май ойида Суданда куз бериан революцион ўзгариш-лардан кейин Судан Коммунист партияси мамлакатда прогрессив сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар ўтказишнинг Нимеири ҳукумати эъло-н қилган кенг программасини астойдил қўлаб-қувватлади. И-чки реакция қалқиниб демократик қалабаларга зарба етказиш ва контрреволюцион давлат тўнта-шини қилишга уриниб, «Ансор» маъзаб атрофияга тўпланган бир пайтда, Компартия янги маъму-ларнинг қарангиларни қўлаб-қу-ватлаб қўлмастир, ўзи ҳам оммави реакцияга зарба бериш учун сафарбар қилишда жуда фа-ол иштирок этиди.

Тарих шундан яққол далолат берадики, Судан Коммунист партияси ҳаммаша ватанпарвар, демократик кучларни импери-ализмга қарши курашда бирлаш-тириш учун, Судани, бошқа Араб ва Африка мамлакатларини прогрессив социал тўб ўзгариш-лар йўлидан ривожлантириш учун, уларнинг суверенитети ва миллий мушаккилликни мустақ-ламлаш учун курашмоқда. Судан Коммунист партияси қалқа-роқ майдондаги ва араб дунёсидаги воқеа ва ҳодисаларни тўғри ба-ҳолади. Ҳаммаша, судан қалқиниб миллий овозлиқ ва социал кура-шнинг авангарди бўлиб келди.

Империалистик агентура ке-йинги вақтда араб шарқидagi

оозлиқ қарангиларни инфоқ солиш йўлидаги кўпурчилик фаолияти-ни қучатирилганлиги, шу билан бирга ўзининг илгори, бўҳтоғ-лари учун ана шу қарангиларни энг актив бўлиниши ишор қилиб олганлигини фактлар кўрсатиб турибди. Бу ерда гап араб қалқ-ларининг миллий оозлиқ кураш фронтини кўпурчи уриниш тўғ-рисида, уларнинг таъини ҳарфа-хатарларга, Исроилнинг давом эта-ётган агрессиясига қарши туриш имкониятини заифлатиришга уриниш тўғрисида бормоқда. Худ-ди мана шунинг учун ҳам ком-мунистларга қарши репрессиялар-ни дастанвал гарб империалистик доиралари маъқулламоқдалар. У-ерларда Судан ва бошқа баъзи араб антикоммунистлар таш-лашган беаҳам шор — комму-нистлар араб миллатининг душ-манидир» деган шорни олиб ол-ганиларига ҳайрон қўлмас ҳам бўлади. Ана шу йлгаворча шор-нинг ааминида антикоммунистик репрессияларни Судандан бошқа илоларда ҳам бошлаб юборишга иштирок қилишга кўзга ташланиб

турибди.

Лекин иш фақат шу билангина чекланиб қолмастир. Баъзан арабларга ўзларини дўст қилиб кўрсатишга уриниётган импери-алистик доиралар Судан маъму-ларни ави олдириган антикомму-нистик жазаовани советларга қар-ши қаратиб юборишни хоҳлайди-лар. Улар қатто шундай гапларни ҳам айтмоқдаларки, Суданда таъ-қиб қилинаётган ва қатл этилаёт-ган фитначиларни гўё Совет Иттифоқи қўлаб-қувватлаган ва рағбатлантирган эмис, «19 июль қарангилар» деб аналган қарангилар гўё Москвадан йўл-йўриқ бериб турилган эмис. Бундай ёлгон ва тўхматдан иборат диллар бил-лан, биринчидан, шафқатсиз ре-прессияларни оқлашни, иккинчи-дан, империализмга ва реакцияга яхши кўриниш учун антисоци-алистик аам олдиришга уриниш-моқдалар.

Бунинг сабабини билиш қийин эмас. Кейинги йилларда, хусусан, Исроил агрессияси оқибатларини тутатиш учун курашда ўстан ва мустақамлашган совет-араб дўст-лиги қалқаро сиёсатнинг муҳим омил бўлиб қолди. Бу дўстлик араб қалқларининг империализм-га қарши, икитмоний ривожланиш

нинг прогрессив йўли учун олиб бораётган курашини мустақам-лайди, империалистик шантаж ва таъқиб ҳавф-хатар шариоатида уларнинг позициясини қучатира-ди. Табиийки, Совет Иттифоқи билан араб мамлакатлари ўртаси-даги муносабатларга раҳна со-лишга бўлган ҳар қандай иттилий империалистларга ва уларнинг ма-лайларигагина қўл келлади.

Совет Иттифоқи бошқа давлат-ларнинг ички ишларига аралаш-маслини сиёсатига қатъий амал қилиб келмоқда, бу араб араб қалқларига яхши маълум. Совет Иттифоқи арабларнинг ўз миллий оозлиги ва конуни ҳуқуқлари учун олиб бораётган қалқоний ку-рашини самимий ва астойдил қўлаб-қувватлаганлигига тарақ-қийпарвар араб давлатларининг раҳбарлари тақдир-тайор юксак баҳо бердилар. Масалан, Араб Социалистик Иттифогининг қуни иёча Қоҳирада ўз ишнин тутатган умуммиллий конгресс иштирок-чиларининг сўзларига ва ана шу конгресснинг ҳужжатларида шун-дай баҳо берилиди.

Лекин совет қалқи импери-ализмга қарши, демократия ва и-қтисодий тараққий учун курашчи-ларнинг тақдирига беради қарай олмайд. Бу соҳада ҳеч ким ҳеч қанақа хом ҳаёт қилмаслиги ке-рак. Шунинг учун ҳам айрим Су-дан арбобларининг коммунистлар-га қарши репрессиялар Судан би-лан Совет Иттифоқи ўртасидаги яқин алоқаларга таъсир ўтга-майдиги деб айтган сўзлари ҳеч бўлмаганда жуда галати эшитила-ди.

Шу нарсаси эътиборини жалб эта-дики, совет раҳбарларининг Су-дан маъмурига «19 июль» во-қеалари муносабати билан жа-вобарликка тортилган қилларга нисбатан шафқатсиз ҳукум чиқа-риш — қалдан ташқари язао чо-раларини қўлашни керак эмас деб қилган қайта-қайта даъватла-ри кор қилмади. Бошқа соци-алистик мамлакатларнинг, Европа ва араб Коммунист партияла-рининг, яқоҳан Касаба Союзлари Федерациясининг, нуфузли қалқ-аро ташкилотларнинг муножаат-ига ҳам Ҳартумда шундай муноса-батда бўлиди. Ҳукум қилганлар-ларин араб қалқларига дўст бўл-ган мамлакатларнинг кўзга қў-

ринган арбоблари ҳимоя қилиб қичқиларига қарамасдан, Судан маъмурига Судан Коммунист партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Абдиль Халиф Махжубин, Шафий Аҳмад Аш-Шайх ва Суданининг бошқа та-ниқли ватанпарварларини ва ком-мунистларини қатл қилдилар. Яқоҳан мабуоти бундай шафқат-сизлик 1969 йил май ойидаги Судан революцияси принципига-га мутолаб энг эканлигини ҳақли равишда таъкидламоқда.

Яқоҳан революция ва демо-кратик қарангилар тарихи, қалқар ишчилар ва коммунистлар қаран-тақибаси шундан шубҳасиз дало-лат берадики, революционер-лар, яллий социализм тарафдор-лари, демократлар, қалқ маъфрат-чиларини, меҳнатқил синфлар-нинг маъфратларини ҳимоя қи-ладиган бериа тараққийпарвар иш-чилар қандай шафқатсиз репрес-сияларга ва таъқибларга дучор қилинмасин, бу қарангилар ва уларни йлқолаштиридангидан буюн революцион голларни йўқ қилиш ҳеч қачон ҳеч кимнинг қўлидан келмаган ва ҳеч қачон келмайдиган.

Оозлиқ, мушаккиллик ва соци-алистик йўлидаги қарангилар шак-шуб-ҳасига қалаба қозонади, феодал-ларнинг, подшоҳларнинг, буржуа-зийнинг, чет эл мушаклачилари-ни ва уларнинг маълавларининг террорига қарамай ўзига йўл оча-берилади.

Совет ишчилари араб қалқла-рининг, шу жумладан судан қалқ-ларининг оозлиқ курашига қўқур хайрихоҳлик билан қарайдилар, совет-араб дўстлигини қадрлайди-лар, лекин улар Судандаги омма-вий террорни кескин қоралайдил-лар. Совет жамоатчилиги бебош-лиқ қўрқонларини баралла, ҳимоя қилиб қичмоқда ва Суданда су-дан қалқи антиимпериалистик бирлиги маъфратларига ҳамда су-дан қалқининг икитмоний тарақ-қийига бўлган иттилийларига мос тушадиган миллий демок-ратик революция принциплари тик-ланади. Деб ўқиб қилади.

ОБОЗОРЧИ.
(«ПРАВДА» газетасининг 30 июль сонияда).

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

Б. Н. ПОНОМАРЕВ ҚОҲИРА ТЕЛЕВИ-ДЕНИЕСИ ОРҚАЛИ СЎЗЛАДИ

ҚОҲИРА. 29 июль (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев Қо-ҳира телевидениеси орқали нутқ сўзлади. У июль револю-циясининг 19 йиллигини байрами-да ҳамда Араб Социалистик Иттифоқи умуммиллий конгрес-синида қатнашш учун Ўзбекистон Араб Республикаси-

га келган КПСС делегациясига бошчилик қилди.

Совет Иттифоқи, деди Б. Н. Пономарев, ооз бўлган давлат-ларнинг қалқларига ҳар тараф-лама мадад бермоқда. Ўзбекистон Араб Республикасининг унинг Исроил агрессорларига қарши курашида астойдил ва ҳаммаша қўлаб-қувватлаб кел-

моқда. СССР билан БАР ўрта-сида дўстлик ва ҳамкорлик тўғ-рисида шартнома тузилганлиги, деди КПСС делегациясининг бошлиғи, совет-миср муносаба-тларини ривожлантиришда янги муҳим босқич бўлди. Бу шарт-нома «ҳалқларимизнинг тўб маъфратларига мос келадиги, сиёсий, иқтисодий мунофаа соҳалардаги ва бошқа соҳалар-даги ҳамкорликни янада ке-нгайтириш ва мустақамлаш учун негиз яратди».

СУДАНДА ЯНА ҚАМОҚҚА ОЛИШЛАР

НЬЮ-ЙОРК. 29 июль (ТАСС). Гарб информация агентликларининг хабар бери-шича, Суданда Судан Комму-нист партияси аъзоларини қам-моққа олиш давом эттирилади. АП агентлиги Судан ҳукумати вакилининг берган баёнотига таяниб, хабар қила-ди: ўтган кун ичида 24 комму-нист қамоққа олинди. Булар-

нинг орасида уй-жой қурилиш ишчи-сининг собиқ ўринбоса-ри Салоҳ Масорий бор.

Қамоққа олиш кампанияси-ни давом эттириш билан бирга, маҳаллий матбуотда маъму-рлар қидираётган кишиларнинг рўйхати босиб чиқарилмоқда. Уларнинг фотографиялари Ҳартум телевидениеси орқали кўрсатилмоқда.

ТЕРРОРНИ ҚОРАЛАДИЛАР

СОФИЯ. 29 июль. (ТАСС). Осиё ва Африка қалқлари би-лан бирдамлик Болгария комит-ети баёнот эълон қилиб, Су-данининг империализмга ва и-чки реакцияга қарши, мамлакат-нинг мушаккиллик ва социал тараққий учун янги курашчи-лар кўлаб қамоққа олинаёт-ганлигини ва улар қатл этила-ётганлигини кескин қоралади.

Оташин ватанпарварлар ва интернационалистлар — Судан Компартияси Марказий Комитетининг бош секретари А. Махжуб, Судан Касаба Союз-лари Федерациясининг бош секретари Аш-Шайх, мамлакат-нинг жанубига доир ишлар би-дан шуғулланувчи собиқ ми-нистр Ж. Гаранг қатл этилди-лар, дейилади баёнотда. Бош-қа ватанпарварларнинг таъдир

ҳам ҳавф остида турибди. Су-дан қалқининг душманлари империалистлар билан ички реакция бундан ҳақли равишда қўнмоқда.

Шафқатсизларга ўч олишлар Судан давлати раҳбарларининг ому-рисида зарар етказди, араб-лар қарангиларга ва бутун дун-даги антиимпериалистик қара-катга эиён етказди.

Болгария жамоатчилиги, деб таъкидланади баёнотда, Судан қалқи билан қизгин бирдамлик изҳор этади ва террор қўрбон-ларига қўқур ҳамдардик бил-диради. Баёнотда Судандаги қотиллик дарҳол тўхтатилиши, империализм ва реакцияга қар-ши изҳил кураш олиб бориш маъфратлари йўлида Судан қалқининг ҳамма ватанпарвар кучлари бирлиги қайтадан тик-лансин, деб талаб қилинган.

БЕЛЬГИЯ. Брюс-

селдаги Сталинград

кўчаси. Бу кўча иш-чилар қваргаларини бирини шаҳар марка-зи билан боғлайди.

Г. Хачкования

фотоси, ТАСС

фотохроникаси.

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

СУДАНДА

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИНИНГ XXV СЕССИЯСИ

1971 йил 27 июлдан 29 июлгача бўлган давр ичида Бухарестда Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши-нинг XXV сессияси бўлиб ўтди. Эълон қилинган ахборотда бундай дейилади:

Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кен-гашининг 1969 йил апрель ойида Москвада ўтказилган XXIII (мах-сус) сессияси кенгашта аъзо бўл-ган мамлакатлар коммунистлик ва ишчи партияларининг раҳбарлари ҳамда ҳукумат бошлиқлари Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ҳамкорлиги-ни социализм ва коммунизм қу-рилишининг ҳозирги босқичидаги кенгир тарихий шароитларига татаибан янада чуқурлаштириш ва тақомиллаштиришнинг ҳамда шу мамлакатлар социалистик иқтисодий интеграциясини ривожланти-ришнинг асосий вазифаларини ва принципал йўналишларини белгилаб берган эди.

Ана шу принципал қарорларга биноан Иқтисодий ёрдам Кенга-шининг XXV сессияси Ўзаро Иқти-содий ёрдам Кенгашига аъзо бўл-ган мамлакатлар ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш ва тақо-миллаштириш ҳамда шу мамлакат-ларнинг социалистик иқтисодий интеграциясини ривожлантириш комплекс программасини бир овоз-дан қабул қилди. Кенгашта аъзо

бўлган ҳамма давлатларнинг кол-лектив куч-ғайратлари билан иш-лаб чиқилган комплекс программа 15—20 йил давомида босқичма-босқич амалга оширишга мўл-жалланган.

Социалистик иқтисодий интегра-циянинг ана шу комплекс про-граммида конкрет равишда йодо-лаб берилган янги вазифалари ва шу вазифаларга мос келувчи ме-тод ва формалари Ўзаро Иқти-содий ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ҳамкорлиги-нинг 20 йилликдан кўпроқ тажри-басига, уларнинг ишлаб чиқа-ришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш, ҳалқ хўжали-гини ривожлантириш беш йиллик ланларини координациялаш тажри-басига асосланади.

Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенга-шига аъзо бўлган мамлакатлар ў-зларининг коммунистлик ва ишчи партиялари раҳбарлигида, ўз куч-ғайратларини ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантириш билан қўшиб олиб бориш асосида шу давр ичида со-циал-сиёсий ва иқтисодий ҳаёт-нинг ҳамма соҳаларида қатта-қатта муваффақиятларга эришди-лар. 1970 йилда Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгашига аъзо бўлган

мамлакатлардаги саноат ишлаб-чиқариши 1950 йилга нисбатан салкам 6.8 баравар кўпайди, ҳол-бузи ривожланиш капиталistik мамлакатлардаги саноат ишлаб-чиқариши шу давр ичида аттиги 2.8 баравар ўсди. Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорли-ги натижасида саноатнинг қўн-ғина янги тармоқлари барпо этил-ди, юзлаб йирик хўжалик объект-лари қурилди.

Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенга-шига аъзо бўлган мамлакатларни ривожлантиришда эришилган му-ваффақиятлар, дейилади ахборот-да, Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенга-шининг бутун таърибаси соци-алистик иқтисодий тузум замирида-ди, ҳалқаро социалистик меҳнат тақсимотидаги жуда катта имко-ниятлардан далолат бериб ту-рибди. Социалистик давлатлар биргаликда қилган қарангилар ҳаракат-ларининг юксак самардорлигини, уларнинг бутун социалистик ҳам-дўстлик қудратини мустақамлаш-га қўмақлашувчи мураккаб вази-фаларни энг мақбул тарзда ҳал этиш йўлини коллектив бўлиб то-пишга қодир эканликларини ис-ботлаб турибди.

Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенга-шига аъзо бўлган мамлакатлар-нинг коммунистлик ва ишчи пар-

тиялари, деб таъкидлаб ўтилди, ахборотда, ўз мамлакатларидаги энг муҳим социал-иқтисодий вази-фаларини энг муваффақиятли равишда ҳал этиш, ишлаб чиқару-вчи кучларни янада юксалтириш, энг юксак илмий-техникавий да-ражага еришиш, ҳалқ фаровонли-гини ошириш, Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар мунофаа қабилда-нинг мустақамлаш мақсадида ҳамкорлигини чуқурлаштириш, со-циалистик иқтисодий интеграция-ни ривожлантириш.

Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кен-гашининг сессияси комплекс про-граммани қабул қилиб, бу про-грамманинг бажарилишини Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги ҳалқаро иқтисодий муносабат-лар системасини янада янада равиш-да тақомиллаштиришнинг негизи деб билди.

Сессия қатнашчилари шунга аминдирларки, комплекс програм-манинг амалга оширилиши Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар миллий эко-номикаларини мустақамлашга ва уларнинг яқиндан ва ҳамжиҳат бў-либ қарангилар қилишларига, бутун социалистик ҳамдўстлигининг иқ-

